

VIII Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси

// 13 may 2015 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/viii-respublika-innovacion-goyalar-tehnologiyalar-va-loyihalar-yarmarkasi>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелидаги №266-Ф сонли фармойишига асосан 2015 йилнинг 19-21 май кунлари Тошкент шахрининг АО МҚК “Ўзэкспомарказ”ида Инновацион ғоя, технология ва лойиҳаларнинг VIII Республика ярмаркаси бўлиб ўтади.

“Ўзқимёсаноат” ДАК кўргазмада корхоналарда ўзлаштирилган янги кимёвий маҳсулотлар турлари, сўнгги йилларда ўзлаштирилган янги инновацион маҳсулотларнинг буклетлари ҳамда инновацион ишланмаларга бўлган талаблари билан иштирок этади.